

ВЕРГУЛНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ЎЗБЕК ЁЗУВИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ

B.O.Mirzayev

Andijon iqtisodiyot va qurilish instituti, “Qurilish muhandisligi” kafedراسи mudiri, katta o‘qituvchi.

A.A.Xakimov

Andijon iqtisodiyot va qurilish instituti, “O‘zbek tili va ijtimoiy fanlar” kafedراسи mudiri, dotsent.

Вергул энг кўп қўлланадиган тиниш белгилар жумласига киради. Вергул (французча *vergule*) — тиниш белгиси (.). Вергулнинг қўлланиш ўрни, шакли турли даврларда ва турли тилларга оид ёзувларда турлича бўлган. Ўзбек тилида вергул тескари пеш, пеш, ярим туриш, ярим тиниш каби номлар билан ҳам юритилган [1].

Ўтган аср бошларида лотин грамматикаси асосидаги рус грамматикаси биз учун ҳам улги (намуна) бўлиб хизмат қилгани сир эмас. Айтайлик, келишик (падеж), тўлдирувчи (допoльнение), аниқловчи (определение) каби атамалар айнан русчадан нусха кўчириш орқали ясалган. Аммо “*vergul*” негaдир русча (“запятая”) эмас, французча (“*vergule*”) [5]. Аксарият Европа тилларида “*vergul*” ўрнида ҳозирда асли юнонча – “*comma*” (“*comma*”, “*komma*”, “*кома*”) қўлланилади, лотинча (“*vergule*”) “*vergul*” эса фақат француз ва бошқа европа тилларида сақланган. Хўш, қандай қилиб тилимизда олис французчадан “*vergul*” ўтиб қолди?

Ҳозирда турк, ўзбек озарбайжон, туркман, форс ва тожик тилларида “*vergul*” ишлатилади. Бу ҳам бежис эмас, ўтмишда мазкур тиллар қўлланадиган ҳудудда икки тилли ягона маданий муҳит мавжуд эди десак, хато бўлмайди. Аммо “*vergul*” бу ҳудудга тўғридан тўғри эмас, усмонли туркчаси орқали кириб келган [5].

Туркиялик олим Али Чичек Усмонли давлатида Ғарб маданияти, хусусан, француз тили ва маданияти билан дастларбки алоқалар католикларнинг доминикалар ва франсискалар диний секталари воситасида бошланган, деб ёзади. Мазкур секталар француз тили ва маданиятини бутун дунёга ёйиш билан шуғулланган. XIX аср охири ва XX аср бошларида турк зиёлилари ўртасидаги Европа, жумладан, француз маданияти ва адабиётига қизиқиш, француз тилли мактабларнинг очилиши, турк тилини арабий ва форсий сўзлардан тозалаш ҳаракатлари натижасида турк тилига кўплаб французча кириб кела бошлаган. Али Чичек турк тилига европа тилларидан энг кўп ўзлашган сўзлар – бу французча сўзлар эканлигини ёзади [5].

XIX аср охири - XX аср бошида нафақат усмонлилар, балки туркий халқларнинг бошқа маданий ўчоқлари, шу жумладан, Туркистонда ҳам маърифатчилик, Ғарб маданиятига интилиш кайфияти пайдо бўла бошлади. Шунинг маҳсули ўлароқ XX аср бошида жадидлар ҳаракати Истанбул билан қизгин муносабатда эди. Қадимчиларга мухолиф бўлган жадидлар кўпгина инқилобий ўзгаришлар, шу жумладан, алифбо, тилни ҳам ислох этиш тарафдори эдилар. Французча “*vergul*” ҳам тилимизга ўша даврда жадидлар, уларнинг нашрлари орқали кириб келди [5].

Вергул дастлаб қисқа пауза учун ишлатилган, кейинчалик унинг қўлланиш доираси ва вазифаси кенгайган. Ўзбек тилида вергул уюшиқ (Сен куйчи, пахтакор, олим...) ва ажратилган бўлақларни (Азизга, собиқ талабага, бу сўз ёқмади), кириш (Лекин, менимча ҳақсиз) ва киритма конструкцияларни (Ёлғиз боришга, очиғини айтсам, юрагим дов бермади), ундалма (Азизлар, бир оз сабр қиламиз) ва ундов сўзларни (Ҳой, нима қиялпсан?), «ха», «йўқ», «хўп», «қани»... каби сўзларни, нутқда такрорланган сўзларни, боғловчисиз ва мураккаб кўшма гап таркибидаги гапларни (Кун ботиб, осмон қорайган),

муаллиф гапни кўчирма нутқдан ажратиш (Бугун мен келолмайман, — деди у) учун ишлатилади. Вергул қавс, қўштирноқ билан қўлланганда улардан кейин, тире билан қўлланганда ундан олдин қўйилади, қўп нуқта билан келганда тушиб қолади. [1]

O‘zbek adabiyotining yetakchi vakillaridan biri бўлган Xudoyberdi To‘xtaboyev “Vergul”ning sarguzashtlari номли ҳикояси ҳам бор. [2]

Вергул (французча virgule - айна тиниш белгиси) тилшуносликда. Гапда интонацион бўлак ёки синтактик гуруҳларни айирувчи тиниш белгиси (,). Вергул қўймоқ. Вергул билан ажратмоқ. Ундашни кучли иофдалаш учун ундалманинг олдидан ундовлар қўлланилади, ундов билан ундалма орасига вергул қўйилади. “Она тили” (8-9-синфлар дарслиги). [3]

Тиниш белгиларининг гап ичида қўлланиши - вергул [4]

1. Гапда боғловчисиз, тенгланаш интонацияси билан боғланган уюшиқ бўлақлар бир-биридан вергул билан ажратилади: Китоб, қалам, дафтар бўлсин йўлдошинг. (Ҳабибий)

2. Зидловчи тенг боғловчилар воситасида боғланган уюшиқ бўлақлар иштирок этган гапларда мазкур боғловчилардан олдин вергул қўйилади: Дадам секин, аммо таҳдидли оҳангда деди. (Ў.Ҳошимов)

3. Такрор қўлланувчи тенг боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги бирликлар (бириктирувчи, айирувчи, инкор) воситасида боғланган уюшиқ бўлақлар вергул билан ажратилади: Одам бир йўла ҳам муҳаббатидан, ҳам дўстидан ажралиб қолса ёмон бўларкан. (Ў.Ҳошимов)

4. Мурожаат объектини ифодаловчи ундалмалар гапнинг бошида келганда, ундан кейин, гап ўртасида келганда, ҳар икки томонидан, гап охирида келганда эса ундан олдин вергул қўйилади: Ўғлим, гапимга диққат билан кулоқ сол. (И.Султон)

5. Ундовлар гапнинг бошида келганда, ундан кейин, гап ўртасида келганда, ҳар икки томонидан, гап охирида келганда эса ундан олдин вергул қўйилади: Ажабо, сенинг қисматинг бизникидан фарқли эмасмиди? (И.Султон)

Аммо гапда ундалмалардан олдин келган ундовлар одатда ундаш, мурожаатни кучли даражада ифодалаш учун хизмат қилади, шунинг учун ундалмалар олдидан келган ундовлардан сўнг одатда вергул қўйилмайди: Кел, эй Фурқат, суҳанни мухтасар қил. (Фурқат)

6. Кириш сўз ва кириш бирикмалар (сўзловчининг баён қилинаётган фикрга муносабатини ифодалайди) гапнинг бошида келганда, ундан кейин, гап ўртасида келганда, ҳар икки томонидан, гап охирида келганда эса ундан олдин вергул қўйилади: Афсуски, у ҳақиқатнинг юза қатламинигина кўра олди. (И.Султон)

7. Кириш гаплар (сўзловчининг баён қилинаётган фикрга муносабатини ифодалайди) ҳам асосий гапнинг бошида келганда, ундан кейин, ўртасида келганда, ҳар икки томонидан, охирида келганда эса ундан олдин вергул қўйилади: Ўйлаб қарасам, пасткашликнинг катта-кичиги бўлмас экан. (С.Аҳмад)

8. Гапда қани, нима, хўш каби сўзлар гап бўлақлари билан грамматик алоқага киришмаган ҳолда турли модал маъно нозикликларини ифодалашга хизмат қилиб, асосий гапнинг бошида келганда, ундан кейин, ўртасида келганда, ҳар икки томонидан, охирида келганда эса ундан олдин вергул қўйилади: Қани, Йўлдошали, ошга қаранг. (О.Жорқинбоев)

Баъзан мазкур сўзлар ёнма-ён келса, улар ҳам бир-биридан вергул билан ажратилади: Хўш, қани, бизга қандай хабарлар келтирдингиз? (Э.Воҳидов)

9. Саломлашиш-хайрлашиш, табрик, миннатдорлик, ташаккур, узрхоҳлик, маъқуллаш, рағбатлантириш каби муомала одатларини билдирадиган сўз ва қолиплаган бирикмалар гап бошида келса, ундан кейин, ўртасида келса, ҳар икки томонидан, охирида келганда эса ундан олдин вергул қўйилади: Салом, Амиркул ака, ҳорманг! (Ў.Умарбеков)

10. Гапда тасдиқ (ха, хўп, майли) ва инкорни (йўқ) билдирадиган сўзлар алоҳида гап ёки гап бўлаги вазифасида қўлланмаган ва бошқа гап бўлаги билан грамматик алоқага киришмаган ҳолларда улар вергул билан ажратилади: Ҳа, балли, буни фаҳмлаб етибсан. (Т.Малик)

Тасдиқни билдирувчи сўзлар ёнма-ён қўлланганда, улар вергул билан ажратилади: Ҳа, майли, бир пиёла чой ичсак ичибмиз-да. (У.Ҳамдам)

11. Гапда такрорланган сўзлар орасига вергул қўйилади: Қани, қани, меҳмонларнинг қўлига сув куйворинглар. (А.Обиджон)

12. Муайян иккинчи даражали бўлакни мазмун ва мантиқ жихатидан одатдагига қараганда кучли, таъсирли, эмоционал қилиб бериш, унинг маъносини изоҳлаш, аниқлаштириш мақсади билан мазкур бўлак гапда ажратилади ва бундай ажратилган бўлақларнинг ҳар икки томонига одатда вергул қўйилади (баъзан ифода мақсадига мувофиқ тире ҳам қўлланади, бу ҳақда қуйироқда айтилади): Энахоннинг онаси, ўзи пакана ва унинг устига букчайган кампир, ўйин қилган бўлиб, ҳаммани кулдирди. (Чўлпон)

13. Гапда -(и)б қўшимчаси билан ясалган равишдошлар ўзига тобе бошқа сўзлар билан кенгайиб келганда, улардан кейин вергул қўйилади: Уни ким қучоқлаб, ким ўпади? (Чўлпон)

Аммо -(и)б қўшимчаси билан ясалган равишдошлар ўзига тобе бошқа сўзлар билан кенгаймаган бўлса, равишдошлар одатдаги равишлар билан бир хил маъновий-грамматик мақомда бўлади ва шунинг учун улардан кейин вергул қўйилмайди: Қўшни хонада турадиган бир киз югуриб кирди. (О.Ёқубов)

Бироқ кенгаймаган равишдош билан феъл кесим орасида тўлдирувчи ёки ҳол вазифасидаги сўзлар келганда, шу бўлимнинг 13-бандидаги каби, равишдошдан сўнг вергул қўйилади: Матлуба бир-бир босиб, орқага қайтди. (О.Ёқубов)

Шунингдек, -(и)б қўшимчаси билан ясалган равишдошли қурилмалар тилда идиоматик, фразеологик ибораларга айланиб қолган бўлса, улардан кейин вергул қўйилмайди: Бугун... энг шимариб ишлаб ўтирсам, қўнғироқ бўлиб қолди. (А.Мелибоев)

14. Гапда -гач қўшимчаси билан ясалган равишдошлар ўзига тобе бошқа сўзлар билан кенгайиб келганда, улардан кейин вергул қўйилади: Сўфининг бакиришидан сўнг бир оз шошиб тургач, улар югурганча уйга кирдилар. (Чўлпон)

15. Гапда -ган қўшимчаси билан ясалган ва ўрин-пайт келишигининг қўшимчасини олган сифатдошлар ўзига тобе сўзлар билан кенгайиб келганда, улардан кейин вергул қўйилади: Отам чўпонлик қилганда, мен қўзи-улоқ боққанман. (Ш.Холмирзаев)

Аммо гапда -ган қўшимчаси билан ясалган ва ўрин-пайт келишиги қўшимчасини олган сифатдошлар ўзига тобе сўзлар билан кенгайиб келмаган бўлса, улардан кейин вергул қўйилмайди: Кулганда ҳам силкиниб-силкиниб кулади. (С.Аҳмад)

Шунингдек, -ган қўшимчаси билан ясалган ва ўрин-пайт келишиги қўшимчасини олган сифатдошли қурилмалар тилда идиоматик, фразеологик ибораларга айланиб қолган бўлса, улардан кейин вергул қўйилмайди: Кўпам ҳовлиқаверманглар, келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр. (С.Аҳмад)

16. Боғловчисиз боғланган қўшма гап таркибидаги гаплар ўртасида алоҳида мазмуний муносабатлар мавжуд бўлмай, бу гаплар бир пайтда ёки кетма-кет содир бўлган (бўладиган, бўлаётган) воқеа-ҳодисаларни ифодаласа, одатда, улар ўртасига вергул қўйилади: Ботирлари канал қазади, шоирлари ғазал ёзади. (Х.Олимжон)

17. Боғланган қўшма гап таркибидаги гаплар ўзаро аммо, лекин, бироқ каби зидловчи боғловчилар билан боғланганда, бу боғловчилардан олдин вергул қўйилади: Кунлар илиб қолган, аммо ердан ҳали кишининг заҳри кетмаган. (Ў.Ҳошимов)

18. Боғланган қўшма гап таркибидаги гаплар ўзаро -у (-ю), -да юкламалари воситасида боғланганда, бу юкламалардан кейин вергул қўйилади: Мевасини енг-у, боғини суриштирманг, жонидан! (О.Ёкубов)
19. Боғланган қўшма гап таркибидаги гаплар ўзаро такрорланган айирувчи боғловчилар (ё..., ё...; гоҳ..., гоҳ...; дам..., дам... каби) билан боғланганда, такрорланаётган боғловчидан олдин вергул қўйилади: Дам жаҳлим чиқади, дам кулгим қистайди. (Ойбек)
20. Боғланган қўшма гап таркибидаги гаплар ўзаро такрорланган инкор боғловчиси (на..., на...) билан боғланганда, такрорланаётган боғловчидан олдин вергул қўйилади: На биронта одамнинг шарпаси кўринди, на бир шитирлаган товуш эшитилди. (Ў.Умарбеков)
21. Эргашган қўшма гапларда эргаш гап бош гап билан чунки, негаки, шунинг учун, гўё каби боғловчилар ёки боғловчи воситалар билан боғланса, улардан олдин вергул қўйилади: Улар менинг айтганимни қилишади, чунки мен оиламизнинг кенжатоиман. (Э.Аъзам)
22. Эргаш гап бош гапга -ки ёрдамида боғланса, ундан кейин вергул қўйилади: Одам боласи борки, барҳаётликни орзу қилади. (И.Султон)
23. Кесими шарт майлидаги феъл (-са қўшимчасини олган) билан ифодаланган эргаш гапли қўшма гапларда мазкур кесимдан кейин вергул қўйилади: Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади. (Мақол)
24. Тўсиқсиз эргаш гапларнинг (-са ҳам шаклида ифодаланган) кесимидан кейин вергул қўйилади: Шаҳодат хола кўнглида қарши бўлса ҳам, эрининг раъйини қайтара олмади. (Ў.Умарбеков)
25. Эргаш гап бош гапга деб воситасида боғланса, ундан кейин вергул қўйилади: Ватан учун жангга бор деб, қурол бердим қўлингга. (Ҳ.Олимжон)
26. Баъзан деб шакли гап таркибида сабабли, туфайли, учун каби ёрдамчи сўзларнинг синоними каби қўлланади, бундай ҳолатларда деб сўзидан кейин ҳам, олдин ҳам вергул қўйилмайди: Юр, сени деб мен ҳам кечикяпман. (А.Намозов)
27. Баъзан деб шакли гап таркиби сифатида ёрдамчи сўзининг синоними каби қўлланади, бундай ҳолатларда ҳам деб сўзидан кейин ҳам, олдин ҳам вергул қўйилмайди: Саид буни совғаларнинг дебочаси деб биларди. (У.Ҳамдам)

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-v/vergul-uz/>
2. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xudoyberdi-komilov-vergulning-sarguzashtlari.html>
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “В” “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Тошкент
4. Ф.ф.д., проф. Н.М.Маҳмудов, ф.ф.н, доц. А.П.Мадвалиев, ф.ф.н, доц. Н.Маҳкамов «Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари», «Ўзбекистон» НМИУ, 2005
5. Abdvohid Hayit “Vergul” Jadid gazetasi 2024-yil 12-yanvar №3(3)
6. B.O.Mirzayev, Askarov X. Methods for calculating brick consumption when building walls from silicate and ceramic bricks. Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research, 10(08), 1–14. Retrieved from <https://www.eijmr.org/index.php/eijmr/article/view/876> “Silikat va keramik g‘ishtlardan tiklanadigan devorlarni qurishda g‘isht sarfini hisoblash usullari” IQRO jurnali, Volume 7, ISSUE 1, 2023, Impact factor (SJIF): 3.934, <https://wordlyknowledge.uz>
7. Hakimov A.A. THE STUDY OF THE HISTORY OF URBANIZATION PROCESSES IN THE FERGHANA VALLEY (on the example of the ruins of the ancient city of Kuva-

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

15-APREL

ANDIJON, 2024

Kubo). ISSN: 2776-1010 Volume 3, Issue 3, Mar, 2022. Academicia Globe: Inderscience Research March, 2022. SJIF (2022): 6.023. Impact Factor (2022): 7.425. Indoneziya.